



АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ КУТУБХОНАСИ - ТАРИХ САҲИФАЛАРИ ВА ЗАМОНАВИЙ ТАРАҚҚИЁТ

1870 йили Тошкент оммавий кутубхонаси сифатида ташкил этилган бу зиё маскани ўлкада маданият ва маърифатни ривожлантириш учун ўз захираларини бойитиш ва сақлаш, улардан кенг жамоатчиликнинг фойдаланишини таъминлаш вазифасини бажаришга сафарбар этилган эди ва у ўзининг ана шу тамойилларига доим содиқ қолди.

Кутубхонанинг ўлкашунослик фондиди тўлдириш учун илк бор атоқли рус библиографи В.Межов жалб этилган. Туркистон ўлкаси тўғрисида дастлаб йиғилган материаллар кейинчалик илмий доираларда машҳур бўлган «Туркистон туплами»га замин яратган. Кутубхонанинг биринчи директори Н.В.Дмитровский бўлиб, у кутубхона ҳақидаги дастлабки мақолаларнинг муаллифи, кутубхона фонди каталогини бошлаб берган мутахассис эди.

Туркистон ўлкасининг ўтрок ва кучманчи аҳолиси маиший ҳаётини тавсифлаб беришни мақсад қилган машҳур

«Туркистон альбоми»нинг А.Л.Кун томонидан яратилишини ҳам кутубхона тарихининг бошланғич даврига киритиш мумкин. Альбом катта илмий аҳамиятга эга, чунки у Ўрта Осиёнинг тарихий-меъморий иншоотлари ҳақида, собиқ Туркистон ўлкасининг халқлари, уларнинг турмуш тарзи ҳақида ноёб фотосуратлардан ташкил топган.

Вақт ўтган сари кутубхона фондлари мунтазам равишда тўлдириб борилди. Жумладан, 1905 йилда профессор Н.Веселовский Самарқанддаги Амир Темур макбарасининг тарихий-меъморий тавсифини тақдим этди. 1907 йилда В.Колосовский деган ҳарбий контр-адмирал А.Бутаковнинг Амударё куйи қисмида ва Орол денгизида олиб борилган тадқиқотлар ҳақида ўз қўли билан ёзган ҳужжатларни кутубхонага топширди. Россиянинг Қашкардаги собиқ элчиси, машҳур шарқшунос Н.Ф.Петровский кутубхонасидан 1909 йилда харид қилинган китоблар ҳам нодир китоблар сирасига қиради.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг ташкил этилиши ва ривожланиши мамлакатимиз тарихи билан, атоқли маърифатпарварлар, олимлар, маданият, адабиёт ва санъат арбоблари, кўзга кўринган кутубхонашунос ва библиографлар номи билан чамбарчас боғлиқдир. Мозийга назар солар эканмиз, кутубхона тарихида халқимиз босиб ўтган йўл, унинг нурли ва сояли лаҳзалари ўзининг ёрқин ифодасини топганига амин бўламиз.



Абдусалом Одилович Умаров,
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутуб-
хонаси директори, социологик
фанлар доктори

Кутубхона фондларида миллий китобат санъатининг кимматли ёдгорликлари сақланади, Алишер Навоийнинг «Хамса» (1880 йили тошбосма усулида чоп этилган), Мунис ва Рожий девонлари шулар жумласидандир.

1920 йили кутубхонага давлат кутубхонаси макоми берилди ва жойларда унинг тармоклари пайдо бўла бошлади. 1925 йилга келиб кутубхонанинг фонди 140 минг



кутубхона Туркистон ўлкасида чоп этилаётган нашрларнинг мажбурий нусхаларини ола бошлайди. Бунда 1922-29 йилларда кутубхонага раҳбарлик қилган шарқшунос Евгений Карлович Бетгернинг хизматлари катта бўлган.

Е.К.Бетгер кутубхонада умрининг охиригача (1956 й.) турли вазифаларда ишлаб, кутубхонашунослик, библиографияшунослик соҳаларининг ривожланишига улкан ҳисса қўшган. Унинг саъй-ҳаракатлари туфайли кутубхона Ўрта Осиё республикаларининг маданий-маърифий муассасалари орасида муносиб урин эгаллади.

1925 йилдан бошлаб Ўзбекистон Давлат оммавий кутубхонаси тарикасида фаолият кўрсата бошлаган кутубхона аҳолининг саводсизлигини тугатиш ҳаракатига қўшилди. Шу билан бирга Ўрта Осиёдаги бошқа кутубхоналар ходимларининг малакасини ошириш, кутубхонашунос кадрларни турли қисқа муддатли курсларда тайёрлаш ишларини олиб борди.

1930 йилда ўша давр ҳукумати қарорига биноан кутубхона Шарқ қўлёзмалари сақланадиган республика марказига айланди. Уларни урганиш, тартибга солиш, сақлаш учун А.Молчанов, А.Шмидт, А.Семёнов сингари профессорлар жалб этилди. Улар «Шарқ қўлёзмалари каталоги», «Алишер Навоийнинг Ўзбекистон Давлат кутубхонасида сақланаётган қўлёзма асарлари тавсифи», «Ибн Сино асарлари қўлёзмаларининг тавсифи» ии яратдилар.

1920-30 йиллар ичида кутубхонада салмоқли библиографик ишлар ҳам яратилди. 1930 йиллар охирида Давлат кутубхонаси республикадаги бошқа 2,5 мингдан ортиқ кутубхоналарга методик ёрдам бера бошлади.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Тошкентга кўплаб саноат корхоналари, олимлар, шоир ва ёзувчилар, санъаткорлар кўчириб келтирилди. Шу йиллари кутубхона кироатхоналарида собик СССР Фанлар академияси академиклари В.В.Струве, В.П.Филатов, мухбир-аъзолари В.М.Жирмунский, А.Якубовский, Н.К.Пиксанов; ёзувчилар А.Л.Толстой, Н.Е.Вирта, Вс.В.Иванов, М.А.Цяловский, В.Г.Ян, К.И.Чуковский, хизмат кўрсатган санъат

арбоблари М.Ф.Гнесин, профессор В.М.Беляев, композитор Н.В.Богословский каби кўплаб машхур кишиларни учратиш мумкин эди.

Кутубхона ходимлари госпиталларда ярадорларга баланд овозда китоб ўқиб беришни ташкил этди. Умуман, уруш йиллари фронт ортидаги фидокорона меҳнат кутубхона жамоатчилиги учун ҳам бегона эмас эди. 1942-47 йилларда таниқли халқ маорифи арбоби Али Асқар Усмонов кутубхонага раҳбарлик қилган.

Ҳозирги вақтда кутубхона фондлари ҳажми 10 млн. ҳужжат нусхаларидан ортади, улардан 3,5 миллиони Ўзбекистон Миллий кутубхонаси тасарруфидаги Миллий китоб палатасида сақланаётган нашрлардир.

1948 йилда кутубхона ҳаётида муҳим воқеа содир бўлди: унга улуғ ўзбек шоири ва мутафаккири Алишер Навоий номи берилиб, уч қаватли янги бинода 350 уринли кироатхона иш бошлади. Ўшанда Е.К.Бетгер 2000 китобдан иборат нодир ва қадимги нашрлар бўлимини ташкил этди. Ҳозирги вақтда бу фондда 16 мингдан зиёд китоб, Туркистон тарихи ва адабиётига доир асарлар, ўлкамизда илк бор чоп этилган газета ва журналлар таҳламли мавжуд бўлиб, улар бугунги тадқиқотчилар учун ҳам катта кизиқиш уйғотмоқда.



Урушдан кейинги даврда кутубхона Ўзбекистоннинг оммавий кутубхоналари ривожига кўмаклашди, унинг илмий-кутубхоначилик фаолияти, китоб айирбошлаш алоқалари фаоллашди. 1970 йилларда илмий тадқиқот бўлими, маданият ва санъат бўйича илмий ахборот бўлими, депозит китоб сақлаш бўлими, назорат-диспетчерлик хизматлари, ёшлар бўлими сингари янги тузилмалар ташкил этилди. Республикада кутубхона ишига ташкилий-методик раҳбарлик қилиш тизими яратилди, кутубхонашунослик ва кутубхоначиликнинг амалий ва назарий масалаларини ўрганиш бўйича илмий тадқиқот ишлари кучайтирилди. Натижада 1980 – 90 йилларда «Қишлоқ ҳаётида китоб ва китобхонлик», «Оммавий кутубхоналарда китобхонлик ва китобларга бўлган эҳтиёж динамикаси», «Кутубхона ресурсларини оқилона жойлаштириш» сингари кўламли тадқиқотлар олиб борилди. Ушбу даврда ўзбек ва рус тилларида «Ўзбекистон тарихи», «Хамза Ҳакимзода Ниёзий», «Ҳамид Олимжон», «Тошкент тарихи»

каби ретроспектив илмий-кўмакчи курсатмалар тайёрланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, кутубхона фаолиятида туб ўзгаришлар рўй берди, унинг асосий йўналиши миллий маънавий меросни, халқнинг анъана ва урф-одатларини тиклаш, ўзбек халқининг ноҳақ унутилган фидойи фарзандлари номларини кенг ёйишдан иборат қилиб белгиланди.

2002 йилдан кутубхона тарихида янги, муҳим давр бошланди. 2002 йил апрель ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасини ташкил этиш тўғрисида» ги қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга мувофиқ, кутубхонамиз миллий ва хорижий адабиётларнинг асосий давлат хазинаси, кутубхонашунослик, библиографияшунослик, китобшунослик соҳасидаги илмий-тадқиқот, методик ишларни олиб боровчи ва мувофиқлаштирувчи илмий марказ этиб белгиланди. Унинг фондлари тулиқлиги ва универсаллиги республика бош кутубхонасининг ноёб муассаса эканидан дарак беради. Ҳукумат қарори бандларининг бирида босма материалларнинг иккита мажбурий нусхасининг, шу жумладан, аудио ва мультимедиа версияларининг кутубхонага бепул тақдим этилишини таъминлаш белгилаб қўйилгани тасодиф эмас.

Кутубхонада Ўзбекистонда химоя қилинган диссертациялар ҳам сақланади. Охириги йилларда фойдаланувчиларда хорижий илмий адабиётлар катта қизиқиш уйғотмоқда,

зеро, кутубхона фондида жаҳоннинг 70 тилида 370 минг нусхадан ортиқ китоблар бор (булар сирасига рус тилидаги адабиётлар кирмайди).

Миллий кутубхона ҳам қоғоз, ҳам электрон кўринишдаги хорижий даврий нашрларга обуна бўлиб келади. Фарбий Европа ва Америка нашриётларининг илмий журналлари, электрон базасидан фойдаланиш учун EBSCO Publishing, ProQuest каби компанияларнинг электрон журналлар ҳамда диссертациялар ва авторефератлар базалари шулар жумласидандир. 2008 йилдан бошлаб кутубхонамиз Россия Давлат кутубхонасининг Диссертациялар электрон фондидан фойдаланиш имкониятига эга бўлди.

Кутубхонада 250
ходим ишлайди, шу
жумладан, 200 та
кутубхоначи бўлиб,
уларнинг 150 таси
олий маълумотлидир.
Ҳар йили ўрта ҳисобда
550 минг киши турли
қироатхоналарга
ташриф буюради,
улар 2 120 000 нашр
нусхаларидан
фойдаланадилар.

1999 йилдан бошлаб кутубхона ўз электрон ресурсларини яратмоқда. Хусусан, барча турдаги ҳужжатлар учун электрон каталог (200 000 дан ортиқ ёзув), диссертация ва авторефератларнинг электрон маълумотлар базаси, келиб тушувчи даврий нашрлар, шу жумладан Ўзбекистон бўйича даврий нашрлар таҳлилий рўйхати асосида ташкил

этилаётган «Ўзбекистон» маълумотлар базаси шу йўналишдаги ишларга мисол бўла олади. Кутубхонада мамлакатимизнинг миллий маданий бойлиги ҳисобланган энг қимматли манбаларни рақамлаштириш воситасида тулик матнли электрон ресурсларни яратиш асосий устувор йўналишлардан бири деб белгиланган. 594 томли «Туркистон тўплами», «Туркистон альбоми» фотосуратлари, Олий аттестация комиссияси томонидан тасдиқланган диссертациялар шулар жумласидандир.



«Миллий кутубхона» мақоми нафакат унинг тузилмасига, балки илмий-тадқиқот, услубий ва ноширлик фаолиятига ҳам ўзгартириш олиб кирди. Кутубхона томонидан ҳар йили ўзбек халқининг бой тарихий-маданий мероси, унинг анъаналари ва маданияти, Шарқ мутафаккирлари, Ўзбекистон шоирлари, маданият ва санъат арбобларининг ижодий меросини тарғиб қилишга қаратилган 30 дан ортиқ номдаги методик-библиографик қўлланмалар чоп этилмоқда. Кутубхоначилик

тарихи, кутубхона жараёнларини автоматлаштириш, маркетинг тадқиқотлари, мутолаа социологияси ва психологияси каби йўналишлар бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Кутубхоналарда ахборот технологиялари, миллий электрон каталогни ташкил этиш ва ундан фойдаланишнинг тадқиқот усуллари ва воситаларини ишлаб чиқиш, ёшларнинг ахборот маданияти, мутолаа маданиятини ўрганиш – бу кутубхона жамоаси илмий ишланмаларининг асосий, бироқ тулик бўлмаган рўйхатидир. Бугунги кунда кутубхонада уч нафар фан доктори, беш нафар фан номзоди ва кўпгина тажрибали ходимлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг мамлакатимиздаги ва хорижий нашрларда чоп этилаётган илмий мақолалари сони сезиларли даражада ортиб бормоқда. Халқаро анжуманларда, илмий семинарларда кутубхона мутахассисларининг иштироки кенгайиб бормоқда.

Охириги вақтда кутубхонанинг тўрт нафар ходими «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими» фахрий унвони билан, икки нафар ходими эса «Дўстлик» ордени ва яна икки нафари «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

Кутубхона ўз тараққиётининг ҳозирги босқичида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Республика аҳолисини ахборот-кутубхона билан таъминлашни ташкил этиш тўғрисида”ги қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида республиканинг ахборот-кутубхона муассалари тармоғини, уларнинг ахборот ресурсларини такомил-

лаштириш ва ривожлантириш, ахборот технологияларининг татбиқ этилишини ҳисобга олган ҳолда норматив-ҳуқуқий таъминлаш, умумий электрон каталогни автоматлаштириш ва ташкил этиш, Интернетда кутубхона ахборотларини тақдим этиш бўйича муҳим вазифаларни ҳал қилмоқда.

2004–2008 йилларда Малайзия, Эрон Ислом Республикаси, Польша, Миср Араб Республикаси миллий кутубхоналари, шунингдек, Россия Давлат кутубхонаси, Украина Миллий кутубхонаси, Қозоғистон Республикаси Миллий академик кутубхонаси, Қирғизистон ва Озарбайжон миллий кутубхоналари билан ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди.

Кутубхона республика ахборот-кутубхона тизими фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича Идоралараро кенгашнинг ишчи органи ва «Ахборот-кутубхона фаолияти тўғрисида», «Ҳужжатларнинг мажбурий нусхаси тўғрисида»ги қонун лойиҳаларини, кутубхоначилик бўйича миллий стандартларни, шунингдек, республикада Ахборот-кутубхона ишини ривожлантириш концепциялари ва дастурларини ишлаб чиқиш ташаббускори ҳисобланади.

Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ўз анъаналарига содиқ ва унинг тақдири ҳар доимгидек мамлакатимизнинг эртанги қуни билан чамбарчас боғлиқ бўлиб қолаверади.